

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАЊАЛАРАДАН ОЛИНГАН СЎНГЎ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Термизнон» акциядорлик жамиятида нон-булка ва макарон махсулотларини ишлаб чиқарадиган янги Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси иш бошлади.
- «Шохруд» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган «Шифобахш» малҳами Ялтада ўтган халқаро кўрғазманинг олтин нишонига сазовор бўлди. У Бухоро университетининг олимлари ва «Ўзметабазавотхолдинг» акциядорлик жамияти мутахассислари ҳамкорлигида яратилди.
- Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида тиббий тез ёрдам маркази очилди. Бу шифо маскани замонавий даволаш, таххис қўйиш асбоб-ускуналари, зарур авутоулвос билан таъминланди. Малакали шифокорлар беморларга хизмат кўрсата бошлади.
- Фарғонада «Болалар санъат фестивали»нинг вилоят босқичи якунланди. Ғолиблар фестивалнинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланма олди.
- Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни арафасида пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Еш юлдузлар-2000» широй остидаги болалар иждодиёти хайрия фестивали ўтказилди.
- Бухородаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси профилактикорий неғизда Она ва бола маркази ташкил этилди.
- Самарқанд Давлат тиббиёт институтида аёллар соғлиғи масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.
- Шу кунларда Андижонда «Соғлом авлод» давлат дастури доирасида ўзига хос китоб байрами бўлиб ўтмоқда.
- Навой шайхрда Навоий Давлат кончилиқ институти ташкил этилганининг беш йиллиғи муносабати билан илмий-техник конференция бўлиб ўтди. Унда бир қатор хорижий давлатлардан келган олим ва мутахассислар сўзга чиқиб ўшбу институтда олиб борилаётган иланишлар Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қилишини таъкидладилар.

ЖАҲОНДА

- Бугун Фижиги Президенти Камито Сирамо янги ҳукуматнинг таркибини эълон қилиши ҳақида баёнот берди.
- Миср Араб Республикасининг Қоҳира университети Осиё тадқиқотлари марказида Ўзбекистон — Миср дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.
- Бугун Тожикистонда Республика Мажлиси Олий сессияси ўз ишини бошлади.
- Швеция Бош вазири Йоран Перссоннинг Эстонияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва Европанинг интеграциялашувос муаммолари муҳокама қилинди.
- Кеча Озарбайжонда Республика куни байрам қилинди.
- Римдаги «Серавентес» галереясида Италияда XV асрда яшаб ўтган испан сийёҳи Руи Гонсалес де Клавихорнинг илк бор италия тилида чоп этилган «1403-1406 йилларда Самарқандга саёҳат. Испан элчиси Темирнинг саройида» асарининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.
- Кеча Парижда йиллик халқаро валюта конференцияси ўз ишини бошлади.
- БМТ Хавфсизлик кенгаши Эфиопия ва Эритрияни жанговар ҳаракатларга дарҳол чек қўйиш ва ўт очишни тўхлатиш тўғрисида келишувга эришишга қақирди.
- Исроил Президенти Э. Вейцман июль ойининг ўрта-ларигача мудаттадан илгари истеъфода чиқиб режасида эканлиғи тўғрисида баёнот берди. Ёзги сессия пайтида парламент томонидан давлатнинг янги раҳбари сайланади.
- Бугун Аддис-Абебада Эфиопия ва Эритрия делегациялари учрашишлари керак. Улар тинчлик музокараларини тиклашга тайёрдилар.
- АҚШ Президенти Билл Клинтон Германия Федератив Республикасида 2-3 июнь кунлари ташриф билан бориш режасида.
- Исроил қўшинларининг Ливан ҳудудидан бутунлай чиқиб кетиши масаласида Ливан маъмурияти БМТ билан кенг кўламада ҳамкорлик қилишини билдирди.
- Ўтган шанба куни Ироқда мамлакат янги парламентининг биринчи мажлиси бўлди. Президент Хотамий депутатларни у томонидан мамлакатда ўтказилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашга қақирди.
- Бугун Пекинда Хитой ва Ҳиндистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтади. Икки мамлакат раҳбарлари икки давлат ўртасидаги чегаранинг баҳали ҳудудлари тўғрисидаги масалани муҳокама қиладилар, шунингдек ҳарбий ҳадама иктисодий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги масалалар юзасидан фикрлашадилар. Ҳиндистон раҳбарининг Хитойга ташрифи бир ҳафта давом этади.
- Хитой Қизил хоч қўмитаси Покистоннинг қурғоқчиликдан жабр кўраётган аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун 50 миллион АҚШ доллари ажратишга қарор қилди.
- Таиландда АҚШ, Сингапур ва Таиланд харбийларининг «Олтин қобра» қўшма харбий машқлари ниҳоясига етди. Унда 20 мингдан ортиқ харбий, жумладан, АҚШнинг 13 миң зобит ва аскар қатнашди.
- Флорида штатида шўхлик қилгани учун синфдан чиқариб ўрилган 13 ёшли ўсмир ўз ўқитувчисини отиб ташлади.
- Германия мудофаа вазири Рудольф Шарпинг мамлакат армиясининг тахминан 100 миң кишига қисқартирилишини маълум қилди.
- Охота денгизида қўлга туширилган Жанубий Кореянинг иккита балик овлаш кемаси Россия денгиз биоресурсларига 1 миллион 845 миң АҚШ доллари миқдорига зарар келтирди.
- Халқаро валюта жағмарасининг янги фармойиш берувчи директори Хорст Келер Осиё мамлакатларига сафар қилиш ниҳтида.
- БМТ қочоқлар масалалари бўйича шугулланувчи Олий комиссарлигининг вакили Денис Макнамара Косовони албан халқидан ташқари яна 200 миңдан ортиқ турли миллат вақиллари тарх этганини маълум қилди.
- Финляндия аҳолисининг 62 фоизи мамлакатнинг НАТОга кириш фикирга қарши чиқди. 21 фоизи эса буни қўллаб-қувватламоқда.
- Молдованин Флорешта шаҳрида яшовчи ёшгина аёл озги тўла тиш билан чақалоқ кўрди. Қарангки, у энди фарзандини эмизаётганда азобланаётган эмши. Шифокорлар уйлай-уйлай бир тўхтамага келишди: бевақт чиқдан тишлар олиб ташланадиган бўлди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 63 (9.407) 2000 йил 29 май, душанба Сотувда эркин нархда

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

26 май куни Тошкентда иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ишторок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жураевнинг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Урганчдаги қурилиш-қасб-ҳунар коллежи директори И.Бой-жонов, Ургут тумани ҳокими Ҳ.Нуруллаев, «Наманганқурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев, Бувайда тумани ҳокими Б.Туракулов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов ишторок этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва халқаро миқёсдаги спортчиларни тайёрлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Президент спорт ҳаётимызининг ажралмас қисмига айлишини, давлат ҳокимияти органлари, депутатлар, кенг жамоатчилик, энг аввало маҳаллаларнинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Ўзбекистон спортчиларининг халқаро муСОбақалар, хусусан, Сиднейдаги Ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли ишторок этиши муСОабати Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширишга хизмат қилишини айтди. Шу муносабат билан Президент мамлакатини футболни ривожлантириш, «Пахтакор» жамоаси шахматни тиклаш зарурлиғига эътиборни қаратди.

Олий Мажлис янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг ташки иктисодий фао-

лияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Иктисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралев депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қўрғонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер хўжалиғи раҳбари А.Аҳмедов, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Раматов, «Совластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов ишторок этди.

Ўшбу масала юзасидан Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари мамлакат валюта захираларини тўлдиришининг асосий манбаи ҳисобланган товарлар экспортини оширишга ҳалакат берувчи барча тўсиқларни бартароф этиш зарурлигини таъкидлади. Экспортга махсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни ҳар томонлама ривожлантириш, бундай товарлар турларини кўпайтириш, тушган валютани замонавий технология услуналар сотиб олишга ишлатиш зарур. Иктисодиётимиз келажаги, энг аввало экспорт махсулотни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларида сотишни қандай ташкил этишимизга боғлиқ.

Парламент янги тахрирдаги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Пاختа тумани ҳокими Э.Уматов, «Турон» акциядорлик тижорат бирлаштурув банки бошқарувчиси А.Эрдонаев, Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» кооперативи раиси О.Одиллов, «Ўзнефтгазурилик» акциядорлик компанияси бош директори Б.Ҳафизов, «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик бирлашмаси раиси М.Худоёров ишторок этди.

Депутатлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги тахрирда қабул қилди.

Сессияда «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун лой-

иҳаси қўриб чиқилди. Ўшбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси И.Собировнинг маърузаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Томди тумани ҳокими А.Назаров чиқишларидан сўнг қонун қабул қилинди.

Депутатлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузасидан сўнг, айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Сессия котибияти раҳбари З.Охунов иккинчи чақирик Олий Мажлис иккинчи сессиясига қилинган мурожаатлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг, депутатлар Ўзбекистон Республикасининг БМТ Халқаро институтининг халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни бириктиштириш бўйича Конвенциясига қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди. Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва томонларнинг барқарорлиғи ҳадама хавфсизлигига бошқа таҳдидаларга қарши биргалликда курашиш тўғрисидаги Шартномаларни, нефть ва газни транспортироква қилиш давлатлараро тизимларини тузиш учун Институционал асос тўғрисидаги рамкали битимини ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгаши Қарорларини тасдиқлади. Парламент А.Ҳабибуллаевни пенсияга чиқуши муносабати билан Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси раислигидан озоқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий ҳужалиқ суди таркибига ўзгартишлар киритди. Олий ҳужалиқ суди раиси этиб, М.АбдуСОломов қайта сайланди.

Шундай қилиб, иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси якунланди.

ПАРДОЗ ИШЛАРИ АВЖИДА


(Суратли лавҳа)

Шаҳримизда кетма-кет қадр ростлаётган уйлари кўрган кишининг кўзи қувонади. Улар пойтахтимиз кўркига кўрк бўлиш билан бирга, хонадон эгаларини мамнун этмоқда. Содик Азимов номли кўчада қадр ростлаган навбатдаги беш қаватли уй ҳам ҳадемай эгаларига топширилади.

— Ишимизни бир сме-нада ташкил этганимиз, — дейди иш юритувчи Руслан Ботиров. — Айни вақтда 50 дан зиёд пардозловчилар қизғин иш олиб бориша-пти. Яхшимурод Курбон-боев бошчилигидаги пар-

дозловчилар, Зарифбой Аминов раҳбарлик қилаётган дурадгорлар бригадаси ишчилари ўз зиммаларидаги топшириқларни ортинг билан ва сифатли қилиб адо этишмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бераётган таъминотчимиз Худоёйберган Аминов ишимизнинг жадал боришигга катта хисса қўймоқда.

«Узтрансгаз» компанияси бурортмачилари талаби асосида қадр ростлаётган беш қаватли бу уй ўзига хос лойиҳа асосида қуриляпти. Бош пудратчи «Жанубгазурилик» оқиқ акцио-



нерлик жамияти бунёдкорлари иккинчи уйнинг пардоз ишларини бошлаш билан бир қаторда учинчи уйнинг пойдеворини тиклашга ҳам муваффақ бўлишди. Дурадгорлар Ислом Дўсов, Зилара Сунагатулина, пардозловчилар Томбике Раҳмонова, Обод Иброҳимовлар асосий ишдан ташқари кўшимча ишларни қилишга ҳам мушарраф бўлиша-пти. Бунинг сабаби уларнинг ҳар бири қурувчиларга хос бўлган турли касб-ларни эгаллаганиклири-дир.

Ғули АБДУЛЛАЕВА, СУРАТЛАРДА: салкам 20 йилдан бўён кран машинаси бўлиб ишлаб келаётган Ражаб Оллоберганов иш устида; пардоз ишлари бошланган иккинчи уйнинг олд кўриниши.

Сергей Любич олган суратлар.

БОЛАЛАРИМИЗ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛСИН

Тошкент шаҳар ҳокимлиғида «Мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги шаҳар Касаба уюшмалари кенгаши раёсати билан қабул қилинган шу йил 2 майдаги қўшма қарорининг бажарилишига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Шаҳар, тармоқ, ташкилотлар касаб уюшмаларининг раислари, тегишли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ишторок этган ўшбу йилгилишда корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги 69 оромгоҳларнинг тайёргарлик даражаси ҳадама ўқувчиларнинг ёзги таътили кунларида болаларни дам олдириш ва уларни соғломлаштириш ишларини ушшоқлик билан ташкил этишга оид қатор масалалар қўриб чиқилди.

Бу йил Тошкент шаҳар ўқувчиларидан 50 миң нафардан зиёди ёзги оромгоҳларда дам олиши кўзда тутилган. Ўшбу ўқувчилар 27 та шихатгоҳ (санаторий), 17 та соғломлаштириш ва 25 та умумтаълим мактаблари қошида ташкил этиладиган қондуги оромгоҳлар масканларида дам оладилар. Ҳар бир навбат учун санаторий рўсумидаги оромгоҳларда 21 кун, соғломлаштириш ва умумтаълим мактаблари оромгоҳларида 18 кундан дам олиш ташкил этилади.

Йилгилишда болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш борасида «Тошшаҳарйўловчи-транс» давлат уюшмаси, «Тошнефтгазурилик»нинг 2-трести, «Тошшаҳартелефон», «Машиййозмат», «Технолог», «Узелтрансгаз» парат» акциядорлик жамиятлари, «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СувСОЗ» трести каби қатор корхоналар ўз тасарруфидаги болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида ибратли ишлар олиб боришга энгизилди.

Шу билан бир қаторда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Оникс», «Ўзғуржибиржасавдо» акциядорлик жамиятлари, «Ўздавсувлойиҳа» институти, «Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби базви ташкилотлар томонидан ўз тасарруфидаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш юзасидан олиб борган ишлари талаб даражасида эмнаслиғи қайд қилиб ўтилди. Ўшбу корхоналарнинг масуул раҳбарларига мавжуд камқўларнинг тез кунда бартароф этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш лозимлиғи уқтириб ўтилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ҳадама болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчиларидан 1 миң нафарига, Оролбўйи болаларидан 2,5 миң нафарига ҳадама Мустақиллик байрамининг тўққиз йиллик таянналарига жалб этиладиган 800 нафар болаларга бепул йўлланмалар берилиши ҳадама барча турдаги соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар корхона ва ташкилотлар қошидаги касаб уюшмалари қўмиталари томонидан 10 фоизли қўймагда берилиши ахборот ўрнида қабул қилинди.

Йилгилиши Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.М.Эрназаров ва шаҳар касаб уюшмалари Кенгаши раиси М.М.СОдиқовлар олиб борди.

Эрғаш ИСМАТУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиғи кузуридаги Матбуот гуруҳи масуул котиби.

«КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ»

Пойтахтимизнинг «Боғи эрам» маданият ва истиродахат боғида «Экосан» халқаро жағмарасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Келажагимиз ва экология» мавзусидаги кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловда туманининг 40 дан ортиқ мактаблари ишторок этди. Унда экологик тарғибот гуруҳлари ўз иждоди дастурларини намойиш қилдилар.

Келажақ авлоднинг саломатлиғи, экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган ўшбу тадбирда фаол ишторок этган, бутунги куннинг муаммоларини ақши ёритиб



ҲАМЖИХАТЛИК ҒАЛАБАГА ЕТАКЛАЙДИ

Юрий ВИТТ — июн-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, 85 килограммга ваъна белаюшчи. 1980 йилда туғилган. Юнон-рум кураши билан саккизи ёшидан бошлаб асобСОЗлик корхонасининг ўйингоҳида шугулланишини бошлаган. Махорат сирларини дастлаб И.Абдувадовдан ўрганган. 1996 йилдан Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси. Ҳозир Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган мураббий Комил Фаткуллин етакчилиғида шугулланмоқда. Йигирма ёш бўлишига қарамай халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига ва қатор халқаро турнирларда қатнашиш тажрибасига эга. 1997 йилги жаҳон кубоғида учинчи ўринни эгаллаган. 1998 йилда Юрий Витт ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган. Худди шу йили катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза нишонларининг соҳиби бўлган.

1999 йили ҳам Юрий учун анчагина муваффақиятли кечди — у ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатининг бронза ҳадама Осиё чемпионатида кўмуш нишонларига эга бўлди. Яқинда якунланган Осиё чемпионатида у учинчи ўринни эгаллаган ҳолда олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Осиё чемпионати Олимпиадада қатнашиш учун йўлланада олинмадиган охири турнир эди ва мен ўшбу имкониятдан умумий фойдаланганим учун жуда ҳурсандман, — дейди Юрий Витт. — Бу менинг ҳаётимда илк олимпиада бўлганигга сабабли жуда ҳаяжонланяман. Бирок бизнинг жамоамиз ақил, барча спортчилар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Уйлайманки, ўшбу ҳамжиҳатлик мени ҳам ғалаба сари етаклайди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши, Президентимизнинг соғлом авлод — келажакимиз пайдовори, Ватанимиз истиқболли эканлигини алоҳида таъкидлашлари биринчи навбатида аёлларимизни тўқинлангани бежиз эмас. Чунки фарзанд саломатлиги, унинг ўсиб-ўнгиб камол топишини юрак-юракдан истайдиган, унинг жисман руҳан, маънан соғломлиги йўлида кўпроқ масъулиятни ҳис этадиган аёлларимиздир. Бу билан улар нафақат оила мустақамлиғи ва бахт-саодатини таъминлайдилар, балки юртимиз келажак учун замин яратдилар. Жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари эса бу борда ҳам аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларнинг маънавиятини юксалтириш, муаммоларини бартараф этишга кўмаклашишда энг яқин ҳамкор саналади. Бугунги суҳбатдошимиз Собир Раҳимов тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳайё ГАНИХУЖАЕВА.

— Муҳайё Саидовна, ўзингизга маълум, аёлларимизнинг оиладаги ўрни беқийс, сиз хотин-қизларга бош бўлган туманда уларнинг жамиятдаги ўрни ҳам беқийс бўлиши таъминлаш нияларига эътибор берилмоқда?

— Мустақиллик йилларида аёлларимизга эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эҳтирмлар уларнинг нафақат оиладаги, балки жамият ҳаётидаги ўринларини тўғри топишлари, юртимиз раванки учун кўлинган келган барча соҳаларда меҳнат қилишлари имкониятлар яратмоқда. Туманимизда оилада оқила, турмушда зукко, жамият ҳаётида фаол аёлларимиз кўллаб топилади. Уларни халқ ҳўжалигининг барча соҳаларда учрашиши мумкин. Ана шу фаол аёлларимиз иштрокидаги учрашувлар, суҳбатлар, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси ва фаолларнинг ҳар бир аёлга, оилага эътибори ўз самарасини бермоқда. Айниқса, маҳаллаларда ўтказилган «Муқаррама аёл», «Аёл тадбиркор бўлса», «Йилнинг энг фаол аёли», «XXI аср аёли» сингари тадбирларимиз хотин-қизларимизнинг жамиятда ўз ўринларига эга бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш борасида ҳар бир соҳа ходимларини жалб этган ҳолда ўтказилган анжуман, учрашув ва давра суҳбатларимиз уларга амалий ёрдам бўлмоқда.

— «Соғлом авлод» дастурининг ўзининг режаларининг натижалари қандай бўлмоқда?

— Дастурдан ўрин олган барча юмушларимиз амалга оширмоқда. Аввало, биз соғлом ондан — сихат-саломат бола туғилишини, унинг баркамол ўсиши учун соғлом оилавий муҳит зарурлигини инобатга оламиз. Шу боис ҳам туғиш ёшидаги аёлларимизни тиббий кўриқдан

лигида, физкультура ва спортга қизиқишларини орттиришда зарур воситалардан саналади.

Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладор аёлларга керакли муолажаларни ўз вақтида ўтказиш, ёш оналарга қаҳқоқлар тарбиясида тавсия ва маслаҳатлар бериш бориш — буларнинг барчаси миллатимиз келажак бўлган соғлом авлодни вужудга келтиришдаги муҳим қадимлардир. Ногирон болалар, уларнинг оилаларига меҳр-муруват кўрсатиб келмоқда. Шу мақсадда туманда «Меҳриғиё» клубини ташкил этиб, ногирон болаларга ҳўнар ўргатишни йўлга қўямиз.

— Туманда ҳар бир оилага эътибор бўлса керак?

— Албатта, биз ҳар бир оилага маҳалла хотин-қизлар кенгаши билан биргаликда кириб борамиз, десам муболага бўлмайди. Айниқса, ёрдмга муҳтож, кам таъминланган, кўп болали оилалар доимий эътиборимизда. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисларимиздан Назира Раимова, Шоира Тулаганова, Василла Исроилова, Феруза Мирзаева, Хадича Зокирова, Мамлакат Махмудова, Илмира Хўжаева, Мупарраҳ Маҳаммадовалар фаолият юритаётган маҳаллаларда оилалардаги соғлом муҳит, хондонлардаги файз-барока, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ёшлар тарбиясидаги масъуллиқ яхши натижалар бермоқда.

— Ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш оила мустақамлиғи учун, фарзандлар қамолтириш учун муҳим ҳисса бўладими?

— Туманимиздаги мактабларда «Қизлар клуби» фаолият кўрсатмоқда. Унинг ҳар бир машғулотда қизларимиз учун энг керакли маслаҳатлар, суҳбатлар, мулоқотлар уюштирилади. Шофокорлар, мутахассислар, фаол хотин-қизлар, ибратли оила қайноналари ташриф буюриб, машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишини таъминламоқдалар. Балоғат ёшидаги ўсмирлар билан ҳам суҳбатлар уюштирилмоқда. Туман ФХДЕ бўлимларида ёшлар оила қуришга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи курслар ташкил этганмиз. Оила кодексига асосланган ҳолда ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этганмиз.

Хўлоса қилиб айтганда, олиб бораётган тарбият ишларимиз, тадбирларимиз билан хотин-қизларнинг кўнглига йўл топишга, юрагидagi гапларга эътибор билан ёндашишга, шодлиқларидан баҳра олишга, муаммоларини биргаликда ҳал этишга эришиш ниятидими. Эеро, аёлининг қалбини мунававр айлаш — оламни нурафшон этиш билан баробардир. Аиз аёлларимизни ана шу кўнгли мунававрлиғи ҳаёт чарогонлиғи асло тарқ эмасин.

Тадбиркорлик

«ХАБИГУЛ»ДА ТАЙЁРЛАНГАН

Аёл ўз қудрати, меҳр-муҳаббати билан нафақат оилани, балки оламни тебратди, деймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Мамлакатимиз аёллари ҳам бугунги мустақиллик берган ҳақиқий озодлиқ ва эркинликдан баҳра олиб, яратилаётган имкониятлар шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, нафақат оила бекасино фарзандининг тарбиячиси, балки ҳар бир соҳанинг илгори, тадбиркори бўлиб, юртимиз раванкига ўз улушини қўшмоқдалар. Эеро, ана шу истиқболга эга саодатли Ватанда унинг фарзандлари камол топишини аёлдан, онандан-да чуқурроқ ҳис этадиган инсон бўлмаса керак.



Ўз қилаётган иши, унинг юртимизга, халқимизга фойдаси ҳақида ҳамisha қайғурган аёллардан бири Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Хабигул» хусусий фирмасининг раҳбари Гулчехра Хабибулинадир. Ушбу фирма маҳсулотлари — ювувчи ва тозаловчи воситалар ўзининг сифати ва хари-тини ишлаб чиқаришга қатъий қарор қилган тадбиркор аёл, аввалгига маблаг кераклигини тўғри тўшуниб, тижорат ишлари билан шўғулланди. Лекин ўзининг ҳақиқий ниятини амалга ошириши уйлаб, қанча тунар куларни бедор ўтказди. Шу боис ҳам у «Тадбиркор бўлиш осон эмас, айниқса аёл киши учун, — дейди. — Чунки ўзининг ўн тўртинчи айланини меҳнат, фақат машаққатли меҳнат, чидам ва ирода талаб этилади. Шу билан бирга тадбиркор аввало шахсий манфаатни эмас, юртра фойда келтиришни, ана шу одамларга етказилган наф орқали оёру-эътибор орттиришни кўзлаши керак. Мен ҳамisha мустақиллик бизга шундай имкониятлар берди, ана шу имкониятларни бой бермасдан умдан оқилона фойдаланишни, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ўз улушини қўйишни ният қиламан».

«Хабигул» фирмаси ўзининг маҳсулотларини ишлаб чиқараётган эҳдигина бир йилдан ошди. Фирма цеҳига пойтахтимиздаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан тайёрланган замонавий дастхў ўрнатилди. Тўққиз ходим меҳнат қилаётган ушбу фирмада кунга бир тоннадан ортиқ «Покиза» технологияси асосидаги маҳсулотлар пакет ва пластмасса идишларда қadoқлиниб чиқарилмоқда. Энг муҳими, республиканинг тиббий минераллардан тайёрланаётган бу маҳсулотларнинг соғлиққа зарари йўқ, экологик тоза ўт-ўланлардан фойдаланилади, синтетик моддалар қўшилмайди, идишлар ҳам ўзимизнинг корхоналарда тайёрланади. Бу хусусий фирманинг маҳсулотларининг харидорлари кундан кунга ортиб бормоқда. Пойтахтимиз ҳамда Зарафшон, Навоий, Андижон шаҳарларида 100дан ортиқ савдо шохобчалари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилинмоқда.

Бу муваффақиятларга тадбиркор Гулчехра Хабибулина ўзининг гайрат-шижоати, изланувчанлиги туфайли эришган десак янглишмаймиз. У республика «Тадбиркор аёл» уюшмасининг аъзоси, уюшма қошидаги ўқув марказларида ўзининг иқти-

Мусохаба

КўНГИЛ МУНАВВАРЛИГИ ТАРҚ ЭТМАСИН

лий кўрсатиб, хотин-қизларни мунозам тиббий кўриқдан ўтказишга эришилмоқда. Ҳар бир аёл диспансеризация кўриқидан тўлиқ ўтказилмоқда. Оилада она ва бола, туғиш ёшидаги ҳомиладор аёллар саломатлигини таъминлаш мақсадида шофокорлар билан тез-тез мулоқот ва учрашувлар ўтказилмоқда. Тумандаги 2- ва 3-турғуқ мажмуалари, Педиатрия илмий текшириш институти ва ҳудудий шифохоналар билан келишилган ҳолда «Соғлом авлод — миллат бойлиги», «Соғлом никоҳ — соғлом авлод пойдевори», аёлларда учрайдиган баъзи бир касалликлар, ҳомиладорлик даври парварishi, она сутининг аҳамияти мазмуларидида суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек туманда жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, лицей ва мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида бўлиб ўтаётган тадбирларимиз фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ўсишига замин яратиши, шубҳасиз. Оилалар, аёллар, ёшлар ҳамда болалар ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари ҳам уларнинг тан-сихат-

лият кўрсатиб, хотин-қизларни мунозам тиббий кўриқдан ўтказишга эришилмоқда. Ҳар бир аёл диспансеризация кўриқидан тўлиқ ўтказилмоқда. Оилада она ва бола, туғиш ёшидаги ҳомиладор аёллар саломатлигини таъминлаш мақсадида шофокорлар билан тез-тез мулоқот ва учрашувлар ўтказилмоқда. Тумандаги 2- ва 3-турғуқ мажмуалари, Педиатрия илмий текшириш институти ва ҳудудий шифохоналар билан келишилган ҳолда «Соғлом авлод — миллат бойлиги», «Соғлом никоҳ — соғлом авлод пойдевори», аёлларда учрайдиган баъзи бир касалликлар, ҳомиладорлик даври парварishi, она сутининг аҳамияти мазмуларидида суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек туманда жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, лицей ва мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида бўлиб ўтаётган тадбирларимиз фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ўсишига замин яратиши, шубҳасиз. Оилалар, аёллар, ёшлар ҳамда болалар ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари ҳам уларнинг тан-сихат-

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Никоҳ тузилишига монелик қиладиган ҳолатлар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Никоҳ тузишга: лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида; насл-насаб шажараси бўйича тўғри тутилган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида; лоақал биттаси рўйхат бузилиши (рўйхат касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Савол: Никоҳланувчи йигит-қизлар тиббий кўриқдан ўтганда натижалари қандай айтилади?

Жавоб: Никоҳланувчи шахсни кўриқдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўриқдан ўтган шахсининг розилиги билан билдирилиши мумкин. Башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топилгани талаб қилиб судга муножаат этишга ҳақлидир.

Жавоблар «Ўзбекистон Республикасининг оила Кодекси»дан олинди.

Аёл борки, олам мунававр

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛАЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

ЭНГ МУҲИМИ — ЭЪТИБОР

Мутахассис маслаҳати

Гулаңдом Тоҳирова, Сергели тумани.

дорғирлиги, импорт ўрнини босиши билан ҳам ажралиб туради.

— Мен тадбиркор бўлиш кўнглимга тўқанимда, аввало аёлларимизни ўйладим, — дейди Гулчехра Хабибулина. — Чунки дўкондан идишларни тозалаш учун ишлатиладиган воситани харид қилдимю нарҳига бироз бўлсада оғриндим. Ахир у чиройли қадокланган хорижийки эди. Шунда бундай маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқарса бўлмасмикан? деган савол кўнглимдан ўтди. Буни, аввало тажрибада синаб кўрмоқчи бўлдим, бунинг учун менга мутахассислар фикри керак эди.

Гулчехранинг касби ҳисобчи-иктисодчи бўлганлиги ҳам бошламоқчи бўлган ишда қўл келди. У технолог, биолог ва химегарлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, кўрсатмаларида амал қилган ҳолда ҳисобикитоб қилди. Шу билан бирга зарур хом ашёни қаердан олиш мумкинлигини ҳам эътиборга олди. Айниқса, ўзимизнинг корхоналардаги иккиламчи маҳсулотлардан фойдаланиш мумкинлиги уни мамнун этди. Ахир у ўзимизнинг хом ашёдан керакли, арзон ва сифатли маҳсулот тайёрлашни режалашган эди.

Фирма оғач, ўз маҳсуло-

Ушбу саволларга Республика «Оила» илмий-амалий маркази мутахассисларидан кўйидагича жавобни олди.

— Статистик маълумотларга қараганда, республикада дунёга келатган ҳар 100 та боланинг биттаси нуқсонли, ногирон туғилмоқда. Бундайларнинг кўпчилигини рўҳий ва жисмоний ривожланиши орқада қолган болалар ташкил этади. Ақдан заиф бола деганда, бош миясининг органи бузилиши натижасида билиш фаолиятларининг турғун пасайиши тушунилади. Бунинг натижасида боланинг ривожланиши орқада қолади, тевоирак-атроф ҳақидаги билимларни ўзлаштира олмайд.

Харакат кескин пасаяди, нутқи кеч ва камчиликлар, хотатар билан ривожланади, меъёрадаги соғлом болалардан ҳар томонлама фарқ қилади. Тенгдошлари ва катталар билан етарли даражада муомала қила оломайдилар. Ҳомилда доврида турли салбий таъсир этувчи инфекция ва хар хил жароҳатлар, ҳомиланинг яхши озиқланмаслиги, ҳомилдорлик даврида кучли токсикозлар таъсири, туғилиши вақтидаги жароҳат ва асфикция, яъни бўғилиб туғилиши, чақалоқлик давридаги салбий таъсир этувчи юқумли касалликлар, бола-

БУНГА АМАЛ ҚИЛСАНГИЗ...

◆ Сепингиздаги кийилмас матоларни шоши-либ тиктирманг, мавсумга мослаб зарурини тиктиргангиз маъқул.

◆ Уй юмушларини бажаришда бир марта ювгандан сўнг рангини йўқотадиган кийимларни киймаганингиз яхши. «Уйлигини билмаган, кўчалига ҳайрон» мақолнинг маъносини чуқур англаг.

◆ Уйингизга меҳмон келса, ўзингизга қараб олишга вақт топинг. Умр йўлдошингиз ишдан қайтган кўчалик кийимларини бир бор кўздан кечириб кўйишни унутманг, эрталаб шошилиб қолмайси. Унинг қандай кийиниши сизнинг хурмат-эътиборингизни белгилайди.

◆ У уйдан бу уйга гап ташиманг. Сиздан ва оилангиздан онангизнинг кўнгли тўқ бўлади.

◆ Хар янги ўрнингиз кетидан қуванг. Тушган оилангизнинг имкониятига қараб иш тутинг. Оддай кийинсангиз ҳам, либосингиз ўзингизга ярашса, шу ҳам бир ҳусндир.

◆ Иш жойингизни ораста тутинг. Чунки иш жойингизнинг озодалиги дид ва фаросатингиздан дарак беради.

ТАҚИНЧОҚЛАРИНГИЗ ЯРҚИРАБ ТУРСИН

◆ Кумушдан ясалган тақинчоларингиз қорайиб қолса, уларни юмшоқ пахта ёрдамида тиш пастиаси ёки туз билан тозаласа тиниклашади.

◆ Агар узук ва зиракларингиз хиралашиб қолган бўлса, бир кўйла ширин сувга бир неча соат солиб қийнасангиз, асл ҳолига қайтади.

◆ Пластмассадан тайёрланган тақинчоларни совуни сувда ювиш тавсия этилмайди, чунки бундан улар янада хиралашиб қолади. Яхшиси уларни илқ сувда чайиш керак.

◆ Ёғочдан тайёрланган тақинчоларни ҳеч қачон юманг, уларни кўркўчқа билан тозаласангиз қиёф қилади.

◆ Тилла суви юргизилган безакларингизни яримта пивэ билан артсангиз янада жилоланиб, завқингизни оширади.

Саҳифани Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.

Узининг ширин сўзию чаққон ҳаракатлари билан беморлар дарадига малҳам бўлаётган ҳамшира Гўзал Шодихўжаеванинг номини пойтахтимиздаги Федорович номи клиник шифохонада ҳурмат билан тилга олишади.

СУРАТДА: Гўзал Шодихўжаева ҳар кун беморларни ана шундай хушайфанда кўтиб олади. Сергей Любич олган суратлар.

Диллашув

ҚЎШИҚ — КЎНГИЛ ЧИРОФИ

Инсон тирик экан куй-қўшиққа ошно. Албатта ишдан ё ўқишдан чарчаб-хориб уйга кайтган, яхши куй ва кўшиқ тинглаган чоғингиз бутун чарчоғингиз таркаб, кайфиятигиз кўтарилади.

Ана «ойнаи жаҳон» орқали яна бир гўзал ва ёқимли кўшиқ янграпти. Уни «Хўжа» гуруҳининг хушовоз хонандаси, ўзининг ширали ва жозибали овози билан мухлислар эътиборини қозongan Иzzат Ибрагимов куйлапти.

Бугун «Хўжа» гуруҳининг хонандаси ва раҳбари Иzzат Ибрагимов «Оқшом» тахририяти меҳмони.

— «Хўжа» гуруҳининг санъат оламини кириб келиши ва бу қадар тез кўзга кўриниши, жозибали кўшиқларининг мухлислар қалбидан жой олишининг боси нимада?

— Гуруҳимиз 1991 йилда ташкил топган бўлиб, мен иккинчи овозда кўшиқ айтиб юрардим. Кўшиқ ёшлигимдан доимий ҳамроҳим. Болалигимдан столни доира қилиб чалиб, ашула айтиб юрардим. Йиллар ўтиб, мактабни битиргач, Тошкент театр ва расомчилик (ҳозирги Санъат) институтининг ўзбек мусиқа драматси факультетига ўқшга кирдим. Бу ерда мусиқа санъатининг кўпгина сир-асрорларини ўргандим. Институтда овозимни чархларда устозим Саидазим Муродхоннинг хизматлари катта бўлди. Кўп йиллик изланишлардан сўнг 1997 йилдан «Хўжа» гуруҳининг раҳбари ва хонандаси сифатида фаолият кўрсатиб келяман.



Албатта яхши бир кўшиқ яратиш, мухлислар эътиборини қозониш, халқимизга манзур бўладиган кўшиқлар яратиш ҳар бир санъаткорнинг дилидаги эзгу орсуси. Ана шундай кўшиқ албатта осонликча пайдо бўлмайди. Назаримда кўшиқни тил билан эмас, дил билан айтиш керак. Шундагина юракдан айтилган кўшиқ мухлислар қалбига тез етиб боради.

— Хар бир гуруҳининг ўз йўналиши бўлади. Шу жумладан, «Хўжа» гуруҳи ҳам ўз йўналиш услубига эга. Кўшиқларингиз замонавий эстрада йўналишида бўлиши билан уларда ўзига хос миллийлик ҳам яққол сезилиб туради...

— Санъаткорнинг ҳақиқий санъаткор бўлиб етишишида асосан ўзбек миллий мумтоз кўшиқларининг аҳамияти бе-ниҳоя катта. Бундай кўшиқларни жуда қадрлайман. Хар бир санъат оламини кириб келадиган хонанда аввало ўзбек миллий мумтоз кўшиқларини, устоз санъаткорларнинг босиб ўтган йўли ва санъатини ўқиб-ўрганиши, ибрат олиши керак. Мана 12 йилдан буён кўшиқ куйлаб келяман. Булар орасида албатта ўзбек мумтоз кўшиқлари ҳам мавжуд. Мана шундай миллий ўзбек кўшиқларини ижро этганимда устозим Мирза Азизовнинг хизматлари бекиёс.

Албатта, санъат йўли машаққатли, шу билан бирга шарафли йўл. Яхши бир кўшиқ айтиш элга танилишининг ўзи бўлмайди. Ўзига яраша кийинчиликлар бўлади, баъзида яхши бир кўшиқ йиллар давомига бунёдга келади.

— Сиз ижро этган «Уйнамайси», «Кўзи жайрон», «Айтинг, кимсиз?» сингари кўшиқларингизни кўпчилик се-виб тинглайди, ҳиргойи қилади. Шундай эмасми?..

Мен кимман? Қандай одамман?

БАЛОҒАТ ОСТОНАСИДА

Мазкур тест саволлари тахминлар асосида ёки кузатувлар доирасида тузилган. Далиллар олимлар назорати остида ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосидаги аниқ статистик маълумотлардан олинган. Мабодо, сиз «Умирлар» табақасига мансуб бўлсангиз — бу тестимиз ўзингиз қилаётган ишингизни нега қилаётганингизни ва бунда нималарни эки айтишингизни яхшироқ тушуниб олишингизга ёрдам беради. Катталарга эса у Умирлар хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англашга қўмақлашади. Куйдаги саволларга Тўғри ёки Нотўғри деган жавобларни бериш.

1. Умир болалар шу ёшдаги қизлардан ўзларини каттароқ ҳис этадилар. **Тўғри** **Нотўғри**
2. Катталарнинг раҳбарлик қилишлари баъзан ўмирларга ёқинирамайди. **Тўғри** **Нотўғри**
3. Ўзига хослик — ўмирларнинг муҳим фазилатларидандир. **Тўғри** **Нотўғри**
4. Қиз ёки ўғил бола 13 ёшга тулганда ўмирлар қаторига кирилади. **Тўғри** **Нотўғри**
5. Жуда ақли ёки талантли ўмирлар тенгдошлари орасида қадрланмайди. **Тўғри** **Нотўғри**
6. Умирлар дангаса бўлишади. **Тўғри** **Нотўғри**
7. Умуман олганда, каттиққўл ота-оналарнинг болалари ҳаётга энг кўп мослашган бўладилар. **Тўғри** **Нотўғри**
8. Оилавий жуфтликларда бирга ўсиб балогатга етиш имкони бўлгани учун кечиккан никоҳларга нисбатан эрталги никоҳлар муваффақиятлироқ бўлади. **Тўғри** **Нотўғри**
9. Ақллироқ ўмирлар ўзларидан камроқ иқтидорга эга бўлган тенгдошларидай кўп уқлашларига зарурат йўқ. **Тўғри** **Нотўғри**
10. Кўпроқ энгилтақликка мойил ёшлар ёрқин ранглардаги кийимларни ёқтирашади. **Тўғри** **Нотўғри**
11. Умирлар катталар орасида бўлишни ёқтирашмайди. **Тўғри** **Нотўғри**
12. Пала-партишлик — ўмирларга хос аломатдир. **Тўғри** **Нотўғри**
13. Умир ёшидаги қизлар ўз тенгдошлари бўлган ўғил болаларга нисбатан ҳаблпарастроқ бўлишади. **Тўғри** **Нотўғри**
14. Катталарнинг гашига тегадиган керишши, қашиниш, бир жойда тинч ўтиролмаслик ва жисмоний босаран-жомликнинг бошқа шакллари биринчи навбатда баъзи вазиятларда ёшлар ўзларини нуқулай сезишлари натижа-сидир. **Тўғри** **Нотўғри**
15. Умирлар ҳаминша шундай банд бўлишадики, вақт улар учун катталарга нисбатан тезроқ ўтади. **Тўғри** **Нотўғри**

1. Умир болалар шу ёшдаги қизлардан ўзларини каттароқ ҳис этадилар. **Тўғри** **Нотўғри**
2. Катталарнинг раҳбарлик қилишлари баъзан ўмирларга ёқинирамайди. **Тўғри** **Нотўғри**
3. Ўзига хослик — ўмирларнинг муҳим фазилатларидандир. **Тўғри** **Нотўғри**
4. Қиз ёки ўғил бола 13 ёшга тулганда ўмирлар қаторига кирилади. **Тўғри** **Нотўғри**
5. Жуда ақли ёки талантли ўмирлар тенгдошлари орасида қадрланмайди. **Тўғри** **Нотўғри**
6. Умирлар дангаса бўлишади. **Тўғри** **Нотўғри**
7. Умуман олганда, каттиққўл ота-оналарнинг болалари ҳаётга энг кўп мослашган бўладилар. **Тўғри** **Нотўғри**
8. Оилавий жуфтликларда бирга ўсиб балогатга етиш имкони бўлгани учун кечиккан никоҳларга нисбатан эрталги никоҳлар муваффақиятлироқ бўлади. **Тўғри** **Нотўғри**
9. Ақллироқ ўмирлар ўзларидан камроқ иқтидорга эга бўлган тенгдошларидай кўп уқлашларига зарурат йўқ. **Тўғри** **Нотўғри**
10. Кўпроқ энгилтақликка мойил ёшлар ёрқин ранглардаги кийимларни ёқтирашади. **Тўғри** **Нотўғри**
11. Умирлар катталар орасида бўлишни ёқтирашмайди. **Тўғри** **Нотўғри**
12. Пала-партишлик — ўмирларга хос аломатдир. **Тўғри** **Нотўғри**
13. Умир ёшидаги қизлар ўз тенгдошлари бўлган ўғил болаларга нисбатан ҳаблпарастроқ бўлишади. **Тўғри** **Нотўғри**
14. Катталарнинг гашига тегадиган керишши, қашиниш, бир жойда тинч ўтиролмаслик ва жисмоний босаран-жомликнинг бошқа шакллари биринчи навбатда баъзи вазиятларда ёшлар ўзларини нуқулай сезишлари натижа-сидир. **Тўғри** **Нотўғри**
15. Умирлар ҳаминша шундай банд бўлишадики, вақт улар учун катталарга нисбатан тезроқ ўтади. **Тўғри** **Нотўғри**

1. Умир болалар шу ёшдаги қизлардан ўзларини каттароқ ҳис этадилар. **Тўғри** **Нотўғри**
2. Катталарнинг раҳбарлик қилишлари баъзан ўмирларга ёқинирамайди. **Тўғри** **Нотўғри**
3. Ўзига хослик — ўмирларнинг муҳим фазилатларидандир. **Тўғри** **Нотўғри**
4. Қиз ёки ўғил бола 13 ёшга тулганда ўмирлар қаторига кирилади. **Тўғри** **Нотўғри**
5. Жуда ақли ёки талантли ўмирлар тенгдошлари орасида қадрланмайди. **Тўғри** **Нотўғри**
6. Умирлар дангаса бўлишади. **Тўғри** **Нотўғри**
7. Умуман олганда, каттиққўл ота-оналарнинг болалари ҳаётга энг кўп мослашган бўладилар. **Тўғри** **Нотўғри**
8. Оилавий жуфтликларда бирга ўсиб балогатга етиш имкони бўлгани учун кечиккан никоҳларга нисбатан эрталги никоҳлар муваффақиятлироқ бўлади. **Тўғри** **Нотўғри**
9. Ақллироқ ўмирлар ўзларидан камроқ иқтидорга эга бўлган тенгдошларидай кўп уқлашларига зарурат йўқ. **Тўғри** **Нотўғри**
10. Кўпроқ энгилтақликка мойил ёшлар ёрқин ранглардаги кийимларни ёқтирашади. **Тўғри** **Нотўғри**
11. Умирлар катталар орасида бўлишни ёқтирашмайди. **Тўғри** **Нотўғри**
12. Пала-партишлик — ўмирларга хос аломатдир. **Тўғри** **Нотўғри**
13. Умир ёшидаги қизлар ўз тенгдошлари бўлган ўғил болаларга нисбатан ҳаблпарастроқ бўлишади. **Тўғри** **Нотўғри**
14. Катталарнинг гашига тегадиган керишши, қашиниш, бир жойда тинч ўтиролмаслик ва жисмоний босаран-жомликнинг бошқа шакллари биринчи навбатда баъзи вазиятларда ёшлар ўзларини нуқулай сезишлари натижа-сидир. **Тўғри** **Нотўғри**
15. Умирлар ҳаминша шундай банд бўлишадики, вақт улар учун катталарга нисбатан тезроқ ўтади. **Тўғри** **Нотўғри**

— Кўшиқ-кўнгила чироқ ёқувчидир. У дилдан чиқиб дилларга етиб боради. Ёшлигимдан машҳур кўшиқчи санъаткорлар Ф. Умаров, Ф. Зокиров, кейинчалик Ю. Усмонова, «Шаҳзод» гуруҳининг кўшиқларини севиб тинглайман, тўғриси уларга ҳавас қилардим. Яхши кўшиқ яратиш учун албатта яхши шеър ва шунга мос куй танлаш керак. Бу масалада менга ҳозирги кунда таникли бастакор Руслан Шарипов ҳамда шоир Иброҳим Жияновлар яқиндан бериб келишмоқда. Улар билан ҳамкорлигимиз ёрши натижалар бераётганининг гувоҳисиз. Юқоридаги кўшиқлар ана шундай ҳамкорликда юзага келган. Телефон билан мулоқот қилиб айтилган «Айтинг, кимсиз?» кўшиғи айни ҳаётдан олинган, десак муболага бўлмайди. Чунки кўнгилоқлар кўп бўлади, таниш-билишлар, қизлар дегандек... Айримлар кўнгилоқ қилишдию деб гапиршишайди. Бу ҳолатни шундан келиб чиқиб, кўшиқ қилишга тўғри келди. Клип ҳам кўшиққа мос тушди.

— Табиийки, мухлислар гуруҳининг аъзолари билан ҳам қизқадилар...

— Аҳиллик бор жойда иш унумли бўлади. «Хўжа» гуруҳининг аъзолари ҳам кўпдан буён фаолият кўрсатиб келадиган санъатсевар, меҳнатсевар йигитлар. Рустам Норхўжаев, Сарвар Раҳматхўжаев, Марат Шунқаров, Александр Алексанқолар чоғу асбоблари билан доимо менга ҳамроҳлар.

— Сир бўлмаса, шу кунгача нечта альбом чикарддингиз?

— Ҳозиргача учта альбом тайёрладик. Бундан ташқари ақин кунларда яна янги альбом чикариш ниятидамыз. «Мухаббатимсан», «Ноз-ноз», «Уйнамайси» сингари кўшиқларини клип билан яхши баҳо олади. Келгусида санъатсевар халқимизга манзур бўладиган гўзал кўшиқлар яратиш ниятидамыз.

— Мана, эрта-индин илк бор мухташам Халқлар дўстлиги саройида кўпчилик мухлисларингиз орзиқиб кутган учрашув концертингиз намойиш қилинади. Концерт дастурингиздан албатта янги, гўзал кўшиқлар ўрин олган бўлса керак...

— Тўғриси айтсам, ҳозир жуда ҳаяжонданам. Шундай катта даргоҳда мухлислар билан учрашув, уларга манзур бўладиган кўшиқлар айтиш, эътиборларини қозониш катта бахт. Албатта томошабинлар қалбидан жой оладиган янги, мазмунли кўшиқлар айтишга ҳаракат қилияман, шунингдек, уларнинг бироқ бўлсада чарқоқларини унутиб, кўнгилоқларини, кайфиятларини кўтарадиган кўшиқлар айтосам ўзимни бахтиёр ҳис қилардим. Барча санъатсевар юртдошларимизни эртага бўладиган концертга чин дилдан тақдир этаман.

— Сўнги аънавий савол: «Оқшом» мухлисларига тилакларингиз.

— Ёшлигимдан газета ва журнал, турли бадий китоблар ўқишни яхши кўраман. Яширмайман, «Тошкент оқшом» газетасига меҳрим бошқача. Неча йиллардан буён шу газетани кўймай ўқиб келаман. «Оқшом»нинг фидойи ижодкорларига мустаҳкам соғлиқ, ижодларига юксак парвозлар тилайм.

— Сизга ҳам... Дилором ИКРОМОВА сўхбатлашди.



Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номидаги 328-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқувчиси Гулнора Солиҳова бу йил ўз ўқувчиларини юқори синфга кузатиди. Бу жонқур ўқувчи ўқувчиларнинг лотин алифбосини пухта ва мукамал ўрганишларида бор билими ва меҳнатини аямой сабоқ берди. Ўқувчилар ҳам устозларининг дарсларини қизиқарли ўтказгани учун дарсдан кейин ҳам устозлари ёнидан кетмай сўхбатлар ўтказишади.

Ушбу мактабнинг илмий бўлим мудири, тажрибали ўқувчи Дилбар Нуриддинова ҳам кўп йиллардан буён юқори синф ўқувчиларига физика фанидан дарс бериб келади. Бу камтарин, талабчан ва меҳрибон ўқувчини мактаб жамоаси ва ўқувчилар жуда ҳурмат қилишади.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) 4-синф ўқувчиси Г. Солиҳова ўз ўқувчилари даврасида; (пастда) физика фани ўқувчиси Д. Нуриддинова дарс чоғида. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Таълим ЯНГИ ДАРСЛИК МАЖМУИ

Миллий ўқитиш тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар таълим сифатига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу жараён давомида қатор янги дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам яратилмоқда.

«Адабиёт» дарслик-мажмуалари ҳам бирин-кетин ўқувчиларга тақдим этилмоқда. Бундан олдин чоп қилинган 5,6-синфлар учун «Адабиёт» дарслиги толиби илмларга яхши соғва бўлди.

Яқинда 7-синф «Адабиёт» дарслиги ҳам кўп нусхада босилиб чиқди. «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп қилинган ушбу дарслик мажмуа янгилашган таълим мазмуни асосида яратилиб, миллий адабиётнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари билан ўқувчиларни яқиндан таништиради.

Ушбу дарслик 2000-2001 ўқув йилидан таълим амалиётига жорий этилади.

Ақбар АЛИЕВ.

Суратли ахборот

ЖАЖЖИЛАР ҒАЛАБАГА ИНТИЛДИЛАР

— Бу йил Юртбошимиз томонида Соғлом авлод йили деб номланди. Бу албатта мураббийлар зиммасига ҳам катта масъулият юкляйди. Боғчада бу борада қандай ишлар олиб бориляпти?

— Соғлом авлод йилида фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топишида боғчининг, мактабнинг ўрни бешиққа катта деб биланам. Аҳир фарзанд жону дилимиз, келажакимиз давомчилари. Боғчамизда 11 та гуруҳ мавжуд бўлиб, ҳаммаси бўлиб 242 та бола бор.

Болажонларимизнинг соғлом фикри, илми, меҳнатсевар, ўз Ватанга, халқига муҳаббатли, жисмонан бақувват бўлишлари учун барча шароитлар яратилган. Биз ота-оналар, маҳалла билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Шаҳмат-шашка, инглиз тили, рақс, спорт тўғрақлари мавжуд. Болажонларнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун сув ҳавзаси ишлатиб турибди.

Боғчамизда билимли ва ширин муомалали тарбиячилик хизмат қилишади. Айниқса, Фирюза Хисматуллаева, Вера Бирюкова, Севара Сабдуллаевалар нафақат болалар, балки ота-оналар меҳрини ҳам қозонишган. Шунингдек, боғчада малакали

врач ва ҳамширалар болаларнинг соғлиғига, тозаллигига эътибор берадилар, ҳаминша уларнинг соғ-саломат бўлишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳа, боғчадаги «Соғлом авлод учун», «Ота-она бурчаги», турли шор ва кўргазмалар бўлиб бундан ташқари боғчада эканлигидан далоятдир. Боғчада ўтказилган спорт мусобақасида болажонлар 5 босқун бўйича беллашдилар: мусиқа билан гимнастика, ким чаққон, велосипед билан пойга, ракетка билан юриш, кенгуру бўлиб сакраш.

Мусобақада катнашган ҳар бир кичкинтой ўз командаси ғалабаси учун шундай жон куйдириб чаққонлик, зийраклик билан ўйнадилари, келган меҳмонлар тасаннолар айтишди.

Мусобақа ғолибларига фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари топширилди. Ҳамма катнашчиларга болаларнинг севимили музикамоқлари тарқатилди.

Болаларнинг бахтиёр ва шодон кулгулари янграб турган маскандан меҳрибон мураббийларга янги куч-гайрат, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш вояга етказишда муваффақият тилаб хайрлашадик.

Шоира МУҲАМЕДОВА, СУРАТЛАРДА: спорт мусобақасидан ливҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«А. Иброҳимов номи Тошкент чинни заводи» акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлар жамиятининг Кузатув Кенгаши хабар қилади: 2000 йил 29 июнь кунин соат 15.00 да корхона маъмурий биносида акциядорларнинг навбатдаги ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 30-боши бөрк Сағбон кўчаси, 8-уй.

КУН ТАРТИБИ:

Жамиятнинг 1999 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари ва 2000 йилдаги ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳақидаги Бошқарув раиси ҳисоботи.

Тафтиш комиссиясининг ҳулосасига асосан корхонанинг йиллик ҳисоботини ва балансини тасдиқлаш. 1999 йил натижаларига кўра дивидендлар тўланиши ва захира жағмараси тузилиши масаласи. 2000 йил Бизнес режасини тасдиқлаш. Турли масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтти тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.